



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 27 » dekabr

№ 894

Toshkent sh.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кенгайтирилиши ҳамда тариф ислохотларининг тизимли амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Республикада тариф ислохотларини самарали амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг айрим қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, энергетика тизими корхоналарида институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш;

жисмоний ва юридик шахсларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг эҳтиёт қисмларини, шунингдек, энергия тежовчи замонавий ромлар ва қурилиш изоляция материалларини харид қилишни йўлга қўйиш;

тижорат банклари томонидан “яшил” истеъмол кредитлари ажратилишини кенг жорий этиш ҳамда кредитлар бўйича фоизларнинг бир қисмига компенсациялар ажратишни янада кенгайтириш.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари–иқтисодиёт ва молия вазири Ж. А. Қўчқоров ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “27” декабрдаги 894-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 февралдаги 108-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 27-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Вазирлик ҳузурида ташкил этилган Ёқилғи-энергетика соҳасини ислоҳ қилиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офиси ходимлари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Вазирлик ходимларига тенглаштирилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 9 октябрдаги 640-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган ҳамда ажратилаётган кредитларнинг асосий ставкадан” сўзлари “ҳамда ажратилаётган кредитларнинг Марказий банк асосий ставкасидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 20-банди иккинчи хатбошисидаги “фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган ҳамда ажратилаётган кредитларнинг асосий ставкадан” сўзлари “ҳамда ажратилаётган кредитларнинг Марказий банк асосий ставкасидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 5 октябрдаги 568-сон қарорида:

а) 3-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича таклифлари Платформага эркин жойлаштирилади”;

еттинчи хатбошидаги “қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналардан” сўзлари “Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

2-бандда:

олтинчи, еттинчи ва ўнинчи хатбошилардаги тегишли келишиқдаги “ишлаб чиқарувчи” сўзлари тегишли келишиқдаги “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентлари” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентлари/дилерлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“маҳаллий ишлаб чиқарувчилар – Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган юридик шахс”;

савдо агенти/дилер – маҳаллий ишлаб чиқарувчининг маҳсулотларини чакана йўл билан ёки кичик партияларда сотиш, ўрнатиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти;

ўн бешинчи хатбошидаги “ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентлари” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентлари/дилерлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг иккинчи хатбошиси, 6, 7 ва 13-бандлар, 3-боб номи, 16-банднинг “в” кичик банди, 30, 33 ва 34-бандлар, 7-боб номи, 41, 43 ва 45-47-бандлардаги тегишли келишиқ ва сондаги “ишлаб чиқарувчи” сўзлари тегишли келишиқ ва сондаги “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

4, 11-бандлар, 6-боб номи, 50 ва 52-54 бандлардаги тегишли келишиқ ва сондаги “ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти” сўзлари тегишли келишиқ ва сондаги “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

19, 24, 26, 27, 29, 37, 39, 48, 49 ва 51-бандлардаги тегишли келишиқдаги “ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти” сўзлари тегишли келишиқдаги “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг савдо агентлари/дилерлари аризасига асосан Жамғарма томонидан Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтганлигига қараб Платформага киритилади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг савдо агентлари/дилерлари билан Жамғарма ўртасида жисмоний шахслар томонидан тўлиқ қийматда харид қилинган қурилма харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки фойзсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан харид қилинган қурилма харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун маблағлар ажратиш бўйича шартномалар имзоланади”;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг савдо агентлари/дилерларининг ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича таклифлари улар томондан Платформанинг маркетплейс тизимида эркин жойлаштирилади”;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентлари/дилерлари ўз мажбуриятларини вақтида ва сифатли бажариши юзасидан Жамғарма томонидан Платформа орқали мониторинг амалга оширилади. Мониторинг натижаларига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг савдо агентлари/дилерлари томонидан Платформанинг маркетплейс тизимидаги ўз хизматларини таклиф этиш имконияти ҳар чорақда ўрганиб борилади”;

14-банднинг “е” кичик бандидаги “5” рақами “20” рақами билан алмаштирилсин;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг савдо агентлари/дилерлари қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши лозим:

охирги молиявий йил якунига кўра фаолиятини зарар билан якунланмаганлиги;

кредит ташкилотларидан аввал олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

Давлат бюджети олдида (солиқлар, божлар, йиғимлар ва бошқалар) қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Ариза берувчи, биргаликда тўловчи ва кафил Платформа орқали белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш маълумотларига кўра бир кун муддатда автоматлаштирилган ҳолда аризаси Жамғарма томонидан кўриб чиқилади. Бунда фуқароларни скоринг баҳолаш (ариза берувчини идентификация қилиш, бюджет, солиқ, коммунал, кредит ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, кредит тарихи ва бошқалар) белгиланган мувофиқлик мезонлари асосида амалга оширилади.

Платформада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг савдо агентлари/дилерлари фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан қурилмаларни сотиш ва ўрнатилган қурилмалар учун тўлов жадвалига мувофиқ ундириш бўйича ишларни уч томонлама (Жамғарма, маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери ва тижорат банки) тузиладиган шартнома асосида тижорат банклари билан биргаликда ташкил этишлари ёки тижорат банклари мустақил равишда ўзлари амалга оширишлари мумкин.

Ариза берувчидан фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олинган қурилмалар бўйича муддатли тўлов қайтарилишининг таъминоти сифатида маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва уларнинг савдо агентларининг/дилерларининг ихтиёрига кўра мулк гарови, суғурта компаниясининг муддатли тўловни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полисини тақдим этиши мумкин.

Бунда ариза берувчи томонидан қурилмани харид қилишдан олдин ушбу банднинг биринчи хатбошисидаги талаблар асосида тижорат банки ариза берувчи, биргаликда тўловчи ва кафилни скоринг баҳолайди ҳамда скоринг натижаларига асосан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қурилмани ўрнатиш ёки ўрнатишни рад этиш тўғрисида маҳаллий ишлаб чиқарувчига ёки унинг савдо агенти/дилерига маълумот тақдим этади”;

31-бандда:

биринчи хатбошидаги “ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “ишлаб чиқарувчи ёки унинг номидан савдо агенти ариза берувчи билан қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштиради ҳамда ўрнатилган қурилманинг серия рақамлари бўйича фото ва видео ҳисобот ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери ариза берувчи билан қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштиради ҳамда ўрнатилган қурилманинг серия рақамлари бўйича фото ва видео ҳисобот маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

35 ва 36-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“35. Платформанинг маркетплейс тизимида товар ва хизматларни сотиш истаги бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки уларнинг савдо агентлари/дилерлари учун очиқ электрон савдо майдони ҳисобланади. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки уларнинг савдо агентлари/дилерлари Платформа орқали маркетплейс тизимига кириб, ўз қурилмалари тўғрисидаги маълумотларни мустақил равишда жойлаштириши ҳамда тизимнинг имкониятларидан эркин фойдаланиши мумкин.

Платформада:

jisмоний ва юридик шахсларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг эҳтиёт қисмларини, шунингдек, замонавий энергия тежовчи ромлар ва қурилиш изоляция материаллари ҳамда кўмир, торф ва дарахт хом ашёсидан тайёрланган брикет ва пеллетлар харид қилишга;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг Энергетика экспертизаси ва энергетик сервис хизматларини кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига маркетплейс тизимига товар ва хизматларни пулли шартнома асосида киритилишига рухсат этилади.

36. Платформанинг маркетплейс тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ва унинг савдо агентлари/дилерлари ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари билан танишганлиги ҳамда ушбу шартларга рози эканлиги тўғрисида электрон шаклдаги оммавий офертани (шартнома тузиш ҳақида таклиф) акцептлаш (таклифни қабул қилиши) орқали иштирок этади ва шунга асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилерида Платформа маркетплейс тизимидан фойдаланиш имкони мавжуд бўлади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентидан/дилеридан ўз товар ва хизматларини маркетплейс тизимига жойлаштирганлиги учун тўлов ундирилмайди”;

38-бандда:

биринчи хатбошидаги “ишлаб чиқарувчини” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентини/дилерини” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи, еттинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги “ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “ишлаб чиқарувчи ёки ўзининг савдо агенти” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

42 ва 44-бандлардаги “ишлаб чиқарувчи ёки унинг номидан савдо агенти” сўзлари “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-илованинг матнида:

тегишли келишик ва сондаги “ишлаб чиқарувчи” сўзлари тегишли келишик ва сондаги “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

тегишли келишик ва сондаги “ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти” сўзлари тегишли келишик ва сондаги “маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти/дилери” сўзлари билан алмаштирилсин;

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида 2023 йил 29 сентябрдаги 517-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“яшил” истеъмол кредити куёш фотоэлектр ва шамол электр станцияси, микро ва кичик гидроэлектр станциялари, биогаз ишлаб чиқарувчи ускуналар, биогаз қурилмалари, куёш сув иситкичлари ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, шунингдек, қурилиш изоляция материаллари, маиший энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонларни сотиб олиш мақсадлари учун жисмоний шахсларга миллий валютада ажратилади”;

учинчи хатбошидан “ҳамда фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,5 бараваридан” сўзлари чиқариб ташлансин.

б) 1-иловада:

2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“яшил” истеъмол кредити қуёш фотоэлектр ва шамол электр станцияси, микро ва кичик гидроэлектр станциялари, биогаз ишлаб чиқарувчи ускуналар, биогаз қурилмалари, қуёш сув иситкичлари ва иссиқлик насосларини ўрнатиш шунингдек, қурилиш изоляция материаллари, маиший энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонларни сотиб олиш мақсадлари учун жисмоний шахсларга миллий валютада ажратиладиган кредит”;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Компенсация ажратиш учун ушбу Низомга мувофиқ Жамғарма ва тижорат банки ўртасида келишув (кейинги ўринларда – келишув) тузилади ва келишув тузилган санадан кейин тижорат банклари томонидан ажратилган “яшил” истеъмол кредитлари учун татбиқ этилади”;

6-банддан “ҳамда фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,5 бараваридан” сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 31 майдаги 319-сон қарорида:

а) 1-иловада:

85-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“85. Ҳисоб-китоб даврида истеъмолчилар томонидан (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергияси истеъмоли шартномавий миқдордан 20 фоиз ва ундан ортишига йўл қўйилган тақдирда, мазкур миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 1,2 баравари миқдорида тўлов ундирилади”;

109-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қарздорлиги мавжуд кўчмас мулк объектлари бошқа бир юридик ёки жисмоний шахсга онлайн аукцион савдолари орқали сотилганда, мавжуд қарздорликни бартараф қилиш мажбурияти, агар олди-сотди шартномасида бошқача шартлар белгиланмаган бўлса, янги сотиб олган юридик ёки жисмоний шахс зиммасида бўлади”;

иккинчи-тўртинчи хатбошилар тегишлича учинчи-бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

136-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қоидаларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланганда, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва (ёки) Ўзэнергоинспекция ваколатли ходимлари томонидан тегишли электрон тизимлар (Е-dalolatnoma) орқали мазкур Қоидаларга 1-иловага мувофиқ электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузилганлиги тўғрисида далолатнома (кейинги ўринларда – далолатнома) расмийлаштирилади. Зарурат бўлганда, далолатномага ҳолат юзасидан фотосуратлар ва бошқа ашёвий далиллар илова қилиниши мумкин”;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Далолатномани электрон шаклда расмийлаштиришни имкони бўлмаганда, 24 соат ичида тегишли электрон тизимларга киритилишини таъминлаш шарти билан далолатнома эркин шаклда қоғозда расмийлаштирилишига рухсат берилади”;

иккинчи-олтинчи хатбошилар тегишлича учинчи-еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

113-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳисоб-китоб даврида истеъмолчилар томонидан (ушбу Қоидаларга иловада кўрсатилган табиий газни етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар, газ узатиш ташкилоти ва автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари ҳамда маиший истеъмолчилардан ташқари) табиий газ истеъмоли шартномавий миқдордан 20 фоиз ва ундан ортишига йўл қўйилган тақдирда, мазкур миқдордан ортиқча истеъмол қилинган табиий газ учун белгиланган тарифнинг 1,2 баравари миқдорида тўлов ундирилади”;

131-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“131. Мазкур Қоидаларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланганда, газ таъминоти ташкилоти ва (ёки) Ўзэнергоинспекция ваколатли ходимлари томонидан тегишли электрон тизимлар (E-dalolatnoma) орқали табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги тўғрисида далолатнома (кейинги ўринларда – далолатнома) расмийлаштирилади. Зарурат бўлганда, далолатномага ҳолат юзасидан фотосуратлар ва бошқа ашёвий далиллар илова қилиниши мумкин.

Далолатномани электрон шаклда расмийлаштиришни имкони бўлмаганда, 24 соат ичида тегишли электрон тизимларга киритилишини таъминлаш шарти билан далолатнома эркин шаклда қоғозда расмийлаштирилишига рухсат берилади.

Далолатнома ваколатли ходимлар ва истеъмолчи томонидан имзоланади. Истеъмолчи далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, икки нафар холис ва (ёки) маҳалла фуқаролар йиғини масъул ходимлари жалб этилиб, ҳолат уларга маълум қилинади ҳамда уларнинг далолатномага имзо қўйиши таъминланади. Газ таъминоти ташкилоти ходимлари дарҳол мазкур истеъмолчини табиий газ тармоғидан узиб қўяди.

Истеъмолчининг табиий газ қурилмалари тармоқдан ажратилгандан сўнг газ таъминоти ташкилоти ва/ёки Ўзэнергоинспекциянинг ваколатли ходимлари томонидан белгиланган намунадаги пломба билан қайта табиий газ тармоғига ўзбошимча уланишнинг олдини олиш мақсадида пломбланади.

Табиий газдан фойдаланиш қурилмаларининг соатлик газ истеъмолини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда, ушбу ҳажм эксперимент тариқасида аниқланади”.

